

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
махсус таълим вазирлиги**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари  
университети қошидаги**

**Республика тил ўқитиш маркази**

***НИЗОМИ***

Тошкент

## I. Умумий масалалар

- 1.1. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги Республика тил ўқитиш маркази Вазирлар Маҳкамасининг 1991- йил 29-июлдаги 197-сонли “Республика ўқувчи-ёшларига, мутахассисларга чет тилларни кенг кўламда ўқитиш тизимини такомиллаштириш ва унинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган.
- 1.2. Марказ юқорида қайд этилган қарор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 ноябрдаги 408 сонли “Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари, транзит ўтишлари тартиби тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875 сонли “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига амал қилган ҳолда фаолият юритади.
- 1.3. Марказ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор, Фармон ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарор ва буйруқлари, шунингдек, мазкур Низом асосида олиб боради.
- 1.4. Марказ ўз номи ёзилган муҳрга эга.
- 1.5. Марказ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига бўйсунди, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.
- 1.6. Марказнинг почта-манзили – 100015. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси -104.
- 1.7. Марказнинг расмий номи:



давлат тилида: O'zbekiston davlat jahon tillari universiteti qoshidagi Respublika til o'qitish markazi, киска номи- РТЎМ.

рус тилида: Республиканский центр языковой подготовки при Узбекском государственном университете мировых языков, - киска номи- РЦЯП.

инглиз тилида: Republican Language Learning Centre attached to the University of World Languages, киска номи – RLLC.

## **II. Марказнинг мақсади**

Республикада чет тилларни кенг кўламда ўқитиш тизимини тубдан такомиллаштириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўқувчи-ёшларни, мутахассисларни чет тилларга ўқитиш, жаҳон фани ва техникаси ютуқларидан хабардор этиш.

## **III. Марказнинг вазифалари**

- Ўзбекистон фуқароларини 3, 5, 10 ойлик курсларда хорижий тилларга ўқитиш;
- абитуриентларни олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун тайёрлаш;
- хорижий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ўзбек, рус ҳамда бошқа чет тилларни ўргатиш;
- республикада ёшларини компьютер саводхонлигига ўргатиш;
- турли ташкилотларга бориб, ходимларни жойларда хорижий тилларда мулоқот қилишга ўргатиш;
- имтиҳон орқали тилни мустақил ўрганганларнинг ва Марказ сертификатини олишни хоҳлаганларнинг билим даражасини текшириш ва сертификат бериш;
- хорижий мамлакатларнинг тарихи ва маданияти, давлат ва сиёсий тузилиши, ижтимоий-иқтисодий мавқеи билан тингловчиларни таништириш.

## **IV. Марказнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

- Ўзбекистонлик ва хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда ташкилотлар билан келишув имзолайди ва мазкур ҳужжат асосида тегишли хорижий тиллар бўйича машғулотлар уюштиради;
- келишилган муддатдаги машғулотлар тугагандан сўнг РТЎМнинг профессор-ўқитувчилари томонидан тузилган комиссия тингловчилардан имтиҳон олади;

- имтиҳонларни ижобий баҳога топширганларга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган, РТЎМ директори томонидан имзоланган сертификат берилади;
- республикамизга расмий визалар билан келган, турли ташкилотларда фаолият юритаётган хорижий фуқароларнинг мурожаатига кўра уларга ўзбек, рус ва бошқа чет тиллари курсларини ташкил қилади;
- РТЎМ ўзбек, рус ва бошқа чет тилларни ўрганиш истагини билдирган хорижий фуқароларга ўрнатилган тартибда юртимизга келишга оид визалар ҳамда зарурат бўлганда, турар жойлари масаласини ҳал қилади, машгулотлар уюштиради ва курсларни муваффақиятли тугатганларга сертификат беради;
- Марказ ўқитувчиларини малака ошириш учун чет элга юборади;
- миллий тест тизими талабларидан келиб чиққан ҳолда чет тилини босқичма-босқич ўргатиш муддати ҳар хил бўлган чет тили гуруҳларини CEFR (Умумевропа стандарти асосида) ташкил қилади;
- мустақил равишда инглиз тили талаффузи ва грамматикасини ўзлаштирган ҳамда оғзаки нутқни ривожлантиришга эҳтиёжи борларга “English Club” гуруҳларини ташкил этади;
- умумий инглиз тили ва бошқа тилларни билганлар учун махсус ESP (махсус мутахассисликларга йўналтирилган) инглиз ва бошқа чет тиллари курсларини очади;
- Business Communication (Тадбиркорлик билан боғлиқ хорижий тил) курсларини ташкил қилади;
- ўзбек ва рус тилларини ўрганувчи хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ўзбек миллий урф-одатлари, маросимлари, ўзбек маданияти, санъати, замонавий ва тарихий обидалари билан таништирувчи дарслар ташкил қилади;
- жойларда амалдаги Низом асосида филиалларини очади;
- чет тилларни ўқитишни такомиллаштириш билан боғлиқ Республика ва халқаро конференциялар, семинар-тренингларни ташкил этади ҳамда уларда қатнашиш



истагини билдирган хорижий мутахассислар учун ўрнатилган тартибда виза масалаларини ҳал қилади;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тақиқланмаган ва Низомга зид бўлмаган фаолиятларни амалга оширади.

#### *Марказ тингловчилари:*

РТЎМ директори буйруғига биноан ўқишга қабул қилинган шахслар марказ тингловчилари ҳисобланади.

#### *Марказ тингловчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:*

- фан, техника, замонавий технология ютуқларига мос келадиган даражада тил ўрганиш;
- марказнинг ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;
- бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;
- аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;
- тил ўргатиш самарадорлиги ва дарс сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда марказ раҳбариятига билдириш ва уларни кўриб чиқишни талаб қилиш;
- марказ миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;
- илмий-тадқиқот ишларида ва илмий конференцияларда қатнашиш;
- тил ўрганиш борасида сифатли ва юқори савияли билим олиш.

#### *Марказ тингловчиси қуйидаги мажбуриятларга эга:*

- тингловчи ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслик;
- тингловчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012-йил 21-майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом талабларига қатъий амал қилиш;
- ушбу Низом ва РТЎМнинг ички тартиб қоидаларида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда тингловчига нисбатан қуйидаги

**Марказ профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг мажбуриятлари:**

- таълим тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат интизомига, мазкур Низомга ва ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш;
- иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий, маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш, хусусан:
  - 1) ўқув юкларини ҳажмини, ўқув-услубий, илмий, ўқув-ташқилий ишларни тасдиқланган шахсий режа асосида бажариш ва маънавий-маърифий ишларда иштирок этиш;
  - 2) ўқув адабиётлар тайёрлаш, илмий мақолалар ёзиш, таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат интизоми, мазкур Низомга ва Марказ ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилиш;
  - 3) ўз малакасини мунтазам равишда ошириш-республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;
  - 4) иш берувчининг қонуний ҳуқуқини муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитариясига доир қоидаларга риоя қилиш;
  - 5) Марказ мол-мулкни авайлаш, ундан оқилона фойдаланиш;
  - 6) Марказ ва университетнинг жамоатчилик ишларида фаол қатнашиш;
  - 7) илмий ва педагогик жараённинг самарадорлигини таъминлаш;
  - 8) ўқитиладиган предмет дастурини мунтазам фан ва техника ютуқлари асосида бойитиб бориш;
  - 9) дарсларни юқори савияда ўтиш;
  - 10) одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнатилган бўлиш;
  - 11) тилни ўрганишга оид янги манбаалар топиш ва тингловчиларни таништириб бориш;
  - 12) ҳар ўқув йили бошида ўқитиладиган предметнинг ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш ва кафедра мажлисида тасдиқлаш;
  - 13) янги педагогик ва ахборот технологияларини дарс жараёнида қўллаш;
  - 14) таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларда фаол қатнашиш;



интизомий чоралар кўрилади: огоҳлантириш, хайфсан ёки тингловчилар сафидан четлатиш.

***Тингловчилар Марказдан қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:***

- а) ўз хоҳишига биноан;
- б) шартнома асосида ўқиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармагани учун;
- в) ўқув жараёнида интизомни ва РТЎМнинг ички тартибини бузганлиги учун;

Интизомий чоралар кўрилган тингловчи ёки унинг ота-онаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибда норозилик билдириши мумкин.

**Марказ профессор-ўқитувчилари ва ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, илмий ва ўқув жараёнининг юқори сифатини таъминловчи илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- қонунчиликда белгиланган тартибда лавозимларни эгаллаш, танловларда катнашиш;
- ўзлари ишлаётган лавозимлардан ташқари бошқа таълим муассасаларида ва ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш жойи билан келишилган ҳолда);
- назарий билим ва амалий тажрибани такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;
- грантлар, илмий лойиҳа ишларини белгиланган тартибда олиб бориш;
- марказ фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;
- университет, Марказнинг ахборот-ресурс марказлари, ўқув бўлимлари, кафедралар хизматларидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;
- маъмуриятнинг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда юқори ташкилотларга шикоят қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа хизматлардан фойдаланиш.

- 15) назарий билим ва амалий тажрибани, илмий-тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратни такомиллаштириб бориш;
- 16) Марказ профессор-ўқитувчилари ва ходимларининг чет эл хизмат сафарларини Олий ўқув ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2005-йил 13-апрелдаги 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваккат йўриқномаси асосида амалга ошириш.

#### ***V. РТЎМда тил ўқитиш тартиблари***

##### **4.1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун:**

- Республика фуқаролари учун ўқув курслари муддатлари 3, 5, 10 ой этиб белгиланган;
- ташкилотлар истагига кўра бу муддатлар ўзгартирилиши мумкин;
- тингловчиларнинг гуруҳлардаги сони 15 тадан кам бўлмаслиги лозим;
- дарслар ҳафтасига 3 кун 3 академик соатдан ўтилади;
- дарслар тингловчининг хохишига кўра алоҳида тузилган шартнома асосида яқка тартибда олиб борилиши мумкин.

##### **5.2. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун:**

- Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар яқка тартибда ёки гуруҳларда ўқишлари мумкин. Тўлов миқдори таълим шаклига кўра белгиланади;
- РТЎМ Илмий-услубий Кенгаши Марказ директори буйруғи билан расмийлаштирилади;
- дарслар ҳафтасига 3 кун 3 академик соатдан ўтилади.

##### **5.3. Ўқув жараёнини ташкил этиш:**

- РТЎМ томонидан ишлаб чиқилган ўқув режалар ва предметлар дастурлари, ўқув-услубий ишлар, машғулотлар жадвали РТЎМ директори ва ўқув бўлими томонидан тасдиқланади;
- РТЎМда илғор педагогик ва ахборот технологиялари, тил ўрганишининг интерактив-коммуникатив услубларини қўллаш ҳисобига дарс сифатини оширишга йўналтирилган илмий-услубий ишлар амалга оширилади;



- РТЎМ илмий ишлар режаси бўйича илмий-услубий тадқиқот ишларини олиб боради.

## **VI. Молиявий масалалар**

- 6.1. РТЎМ хўжалик шартномаси асосида фаолият олиб боради.
- 6.2. Хорижий фуқаролар ўқиш учун тўловни АҚШ доллари асосида амалга оширадилар.
- 6.3. Курсларга оид тўловлар миқдори ўқиш муддати билан белгиланади.
- 6.4. Тўловларга оид ўзгаришлар янги ўқув йили олдидадан – август ойининг охирида РТЎМ директори буйруғи билан расмийлаштирилади.
- 6.5. РТЎМ томонидан ишлаб топилган маблағ аввал Марказ фаолияти билан боғлиқ харажатларга, Марказ профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимларининг ойлик маошларига ҳамда моддий рағбатлантиришга сарфланади.
- 6.6. Белгиланган энг кам иш хақи миқдори ўзгарганда, тўловлар миқдори ҳам ўзгартирилиши мумкин.

## **VII. РТЎМ таркиби**

- 7.1. РТЎМнинг ташкилий тузилмаси қуйидаги маъмурий ва бошқарув ходимларидан иборат: марказ директори, директор ўринбосари, ўқув бўлими бошлиғи, иккита кафедра мудири, профессор-ўқитувчилар, муҳандис-техник, маъмурий-хўжалик, ахборот-ресурс маркази ходими, услубиётчи, котиблик.  
Марказ ташкилий тузилмаси қуйидаги маъмурий ва бошқарув бўлимларидан иборат:
  - ўқув бўлими;
  - ахборот-ресурс маркази;
  - инглиз тили кафедраси;
  - тиллар кафедраси
- 7.2. РТЎМ таркиби, ундаги ўзгаришлар ЎзДЖТУ Илмий кенгаши ва Марказ Илмий услубий Кенгашида кўриб чиқилади. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ЎзДЖТУ ректори билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланади.

7.3. Ўқув дастурлари ва режалар РТЎМ Имлий-услубий кенгаши томонидан тасдиқланади.

### **VIII. РТЎМ раҳбарияти**

8.1. РТЎМ директор томонидан бошқарилади.

8.2. РТЎМ директори Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан университет ректори тавсияси асосида тайинланади.

8.3. Директор РТЎМ ишини бошқаради ва Марказ билан боғлиқ барча ишларга жавобгар ҳисобланади.

8.4. РТЎМга оид барча буйруқларга Марказ директори томонидан имзо чекилади.

8.5. РТЎМ профессор-ўқитувчилари, котиблар, хўжалик ходимлари РТЎМ директорининг буйруғи билан ишга қабул қилинади.

8.6. РТЎМда хорижликларнинг ўқиши билан боғлиқ барча масалаларга Марказ директори ўринбосари жавобгар.

### **IX. РТЎМ мулки**

9.1. РТЎМ хўжалик шартномалари асосида фаолият юритади.

9.2. РТЎМ томонидан ишлаб топилган маблағ Марказ фаолияти билан боғлиқ харажатларга, хусусан:

- профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ходимларнинг ойлик маошларига ва уларни моддий рағбатлантиришга;

- марказда машғулотларни ўтказиш билан боғлиқ, асбоб-анжомлар, ўқитишнинг замонавий техник воситалари ҳамда дарслик ва ўқув услубий қўлланмаларни харид қилишга сарфланади.

### **X. Яқуний қондалар**

10.1. Марказ Низоми Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгаши томонидан тасдиқланади ва кучга киритилади.

10.2. РТЎМ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.